



Issues of standardization of forensic examinations in Uzbekistan

Otabek GANIEV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2021

Received in revised form

15 October 2021

Accepted 15 November 2021

Available online

25 December 2021

Keywords:

complex forensic examination,
methodological support,
general generic (specific)
methodology,
typical (private) complex expert methods,
standardization of forensic research methods.

ABSTRACT

This article discusses the modern possibilities of standardizing forensic expertise, in particular, the need for a general methodological approach in the production of complex examinations and the creation of a common generic (specific) methodology for the production of complex forensic examinations, as well as the creation of standard complex methods of forensic research, developed at the interdepartmental level.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp177-181>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистонда суд экспертизалар ўтказишни стандартлаштириш масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

комплекс суд экспертизаси,
методик таъминот,
умумий (ягона) методика,
типик (хусусий) комплекс экспертиза методлари,
суд экспертиза
тадқиқотлари
методикасини
стандартлаштириш.

Мақолада суд экспертизасини стандартлаштиришнинг замонавий имкониятлари, хусусан, комплекс экспертизаларни ўтказишида ягона методик ёндашув зарурлиги ва бу турдаги суд экспертизаларини ўтказиш учун умумий (ягона) методикани ишлаб чиқиши, шунингдек, идоралараро даражада ишлаб чиқилган суд экспертизасининг стандарт комплекс методларини яратиш ҳамда уларнинг аҳамияти ёритилган..

¹ Acting Associate Professor of the Department of Criminalistics and Forensic Science, Tashkent State University of Law. Tashkent, Uzbekistan.

Вопросы стандартизации судебных экспертиз в Узбекистане

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

комплексная судебная экспертиза, методическое обеспечение, общая родовая (видовая) методика, типовые (частные) комплексные экспертные методики, стандартизация методик судебно-экспертных исследований.

В настоящей статье рассмотрены современные возможности стандартизации судебно-экспертной деятельности, в частности определена необходимость общего методического подхода при производстве комплексных экспертиз и создание общей родовой (видовой) методики производства комплексных судебных экспертиз, а также создание типовых комплексных методик судебно-экспертных исследований, разработанных на межведомственном уровне.

Ҳозирги даврда суд экспертизаси ривожланишининг долзарблиги турли илм-фан соҳаларидан маҳсус билимларнинг интеграцияси (уйғунлашуви, бирлашиши) ва фарқланиши, эксперт-криминалистик технологияларининг фаол ривожланиши, экспертиза тадқиқотларининг турли методлари ва воситаларининг такомиллашиши, суд экспертиза амалиётига инновацион техник-криминалистик воситалари ва экспертиза методларининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши, шунингдек, замонавий технологиялар ва, умуман, ахборот технологияларининг ривожланишининг кўплаб бошқа тенденциялари билан ифодаланади. Бу борада давлат суд экспертиза муассасалари тизимини такомиллаштириш, уларнинг янги функцияларини ишлаб чиқиши ва суд-экспертлик фаолиятини оптималлаштириш усусларини топиш муаммолари дикқатга сазовордир.

Юқоридагиларга боғлиқ равишда, одатий ва ноодатий тадқиқот объектларининг суд экспертизаларини ўтказиш имкониятлари сезиларли даражада кенгаймоқда, суд экспертизасининг янги туркум ва турларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, бу эса суд экспертизалари таснифланишини такомиллаштиришга имкон беради ҳамда суд экспертизаларини ташкил қилиш ва ўтказишнинг назарий ва амалий жиҳатлари бирлигини таъминлайди. Айнан шу сабабли Ўзбекистонда “илмий тадқиқотлар натижаларини суд-экспертлик фаолиятига татбиқ этиш, суд экспертизаларини ўтказиш услубиётини такомиллаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналиши этиб белгиланди” [2] ва, натижада, халқаро ва хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда суд экспертиза методикаларини валияция қилиш, суд экспертиза методикалари ва суд экспертизларини сертификатлаш асослари яратилди.

Ҳозирги кунда суд экспертизасини ривожлантиришдаги энг баҳсталаб масалалардан бири бу методологик асосларни, хусусан, суд экспертизасининг айrim турларини ўтказишнинг методик шаклини такомиллаштириш ҳисобланади. Ҳозирда суд экспертизаларининг ҳар хил туркум ва турларини ўтказиш бўйича кўплаб экспертиза методикаси ва методик тавсияларнинг мавжудлигига қарамай, экспертиза амалиётининг долзарб муаммоларидан бири бу – уларни ўтказиша умумий (ягона) методик ёндашувнинг етишмаслигидир. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат суд экспертизасининг барча туркумлари ва турлари учун тегишлидир. Бунинг

натижасида, сўнгги йилларда суд-экспертиза фаолиятининг энг долзарб муаммоси – барча туркумдаги ва барча турдаги суд экспертизалари учун экспертиза методикасининг илмий асосланган ягона стандартларини ишлаб чиқиш зарурати бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, экспертиза методикалари учун ягона стандартларни ишлаб чиқишида, фикримизча, юқоридаги муаммони ҳал қилиш бўйича хорижий амалиётини ҳам инобатга олиш зарур. Умуман олганда, суд экспертологиясини стандартлаштиришни суд экспертизалари ва экспертиза тадқиқотлари сифатини бошқариш мақсадида миллий стандартларни ишлаб чиқиш жараёни сифатида қараш мумкин.

Баъзи бир муаллифлар ҳақли равишда стандартлаштириш – бу стандартларни белгилаш орқали маълум бир соҳада белгиланган тартибга эришишга қаратилган фаолият (универсал қўлланилиши учун тавсия этилган қоидалар) деб таъкидлайдилар [З. Б. 219].

Эксперт методикалари учун ягона стандартларни шакллантириш жараёнида экспертиза методикаларини сертификатлаштириш тизими муҳим (асосий) ўрин эгаллади. Бундай тизим алоҳида (индивидуал) экспертиза тадқиқотларини ўтказиш қоидалари ҳамда умумий маънода, экспертиза методикаларини ишлаш қоидаларининг йиғиндисидан иборат бўлади. Шундай қилиб, экспертиза методикаларини сертификатлаш, суд экспертлик фаолиятининг йўналишларидан бири сифатида, турли хил экспертиза тадқиқотларини ўтказишида ягона илмий ва услубий ёндашувни амалга ошириш мақсадида бажарилади. Юқоридагилар, экспертиза методикаларининг ягона стандартларини, шу жумладан, идоралараро даражадаги ягона стандартларни ишлаб чиқиш суд экспертлик фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлигини исботлайди. Чунки замонавий шароитларда суд экспертизаси соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорликнинг аҳамияти сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга, бундай ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун унинг ривожланиш тарихи, ҳуқуқий тартибга солиш ва стратегик режалаштиришни илмий таҳлил қилишни талаб қиласди.

Ҳалқаро суд эксперталари ҳамжамияти суд экспертиза хулосалари ва, умуман, суд экспертлик фаолиятининг юқори сифатига эришишга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида суд-экспертиза фаолиятини стандартлаштириш, суд экспертиза методикаларини валияция қилиш, суд экспертиза методикалари ва суд эксперталари сертификатлаш, суд экспертиза муассасалари ва лабораторияларини аккредитациядан ўтказиш кабиларни белгилаб олган. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказишида умумий услубий ягоналиқ алоҳида турдаги экспертизалар ҳамда экспертиза тадқиқотларининг натижалари самарадорлиги ва сифатини сезиларли даражада оширишга имкон беради. Бинобарин, суд экспертизаларини ўтказиш бўйича ҳар қандай методик материаллар, суд экспертиза тадқиқотларининг методлари ва воситалари, шунингдек, айрим тоифадаги суд эксперталарининг ваколатлилиги стандартлаштириш обьекти бўлиши мумкин.

Суд экспертизаси институтини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ягона сертификатланган экспертиза методларидан фойдаланиш, идоравий мансублигидан қатъи назар, турли экспертиза мутахассисликлари ва ихтисосликларига эга бўлган суд эксперталари учун умумий малака талабларини белгилашга имкон беради, бу эса, ўз навбатида, суд экспертизаларини ўтказишида белгиланган аниқлик

билин таққосланадиган натижаларни олишга ёрдам беради. Умуман, суд экспертизасини стандартлаштириш ҳамда, хусусан, суд экспертизалирини ўтказишнинг методик таъминотида ягоналикини (бир хиллик) таъминлаш мақсадида “Суд экспертиза”си тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунида : “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси давлат суд-экспертиза муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни ва унга илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади”, – деб белгиланган [1].

Суд экспертиза муассасалари фаолиятига услубий раҳбарлик йўналишларидан бири эса суд экспертизалирининг ҳар хил туркumlари ва турларини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишидир. Шу боис юқоридаги фаолият туфайли сертификатланган ягона экспертиза методикаларини ишлаб чиқиш ва уларни суд экспертиза амалиётига жорий этиш бўйича ишлар янада фаоллашиши кузатилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика Бош маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг суд экспертлик фаолиятига аккредитация бўйича халқаро маслаҳатчилар жалб этилди ва Республика суд экспертиза муассасалари фаолиятининг ISO 17025:2019 халқаро стандарт талаблирга мувофиқлик даражаси баҳоланди. Суд эксперталари ISO 17025:2019 халқаро стандарт талаблари бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, валидация ва верификация, ўлчов ноаниқлиги, тузатиш ҳаракатларини ўтказишни назорат қилиш, тадқиқотлар узвийлигини кузатиш, ДНК ва наркотик моддалар экспертизасининг замонавий имкониятлари, аккредитация соҳаси ва ички аудит ўтказиш мавзулари бўйича ўқув семинар ва тренингларида иштирок этиб, маҳсус сертификатларга эга бўлдилар. Бу давлат суд экспертиза муассасалари “Тадқиқот ва калибрлаш лабораторияларининг ваколатлилигига қўйиладиган талаблар – ISO 17025:2019” стандарт талаблари бўйича халқаро аккредитациядан ўтдилар.

Шундай қилиб, суд экспертизаси институтини ривожлантиришнинг замонавий шароитларида турли хил туркумдаги ва турдаги суд экспертизалирини ўтказишга умумий ягона услубий ёндашувнинг бир хиллигини амалга оширишнинг қўйидаги асосий йўналишлари таклиф қилинади:

- экспертиза методларининг ягона стандартларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;
- суд экспертизасининг методик таъминотини сертификатлаш;
- суд экспертлик амалиётига ягона эксперт методикаларини жорий этиш ва қўллаш.

Умумий методик ёндашувнинг бир хиллиги суд эксперталарини касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда суд эксперталари суд экспертизалирининг муайян бир турини мустақил ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (гувоҳнома) беришда маълум экспертиза мутахассислиги бўйича суд экспертизалирини ваколатлилигини тасдиқловчи ягона талаблар мавжуд эмас, бу эса турли хил процесдуал субъектлар томонидан эксперт тадқиқотлари натижаларини қарама-қарши баҳолашга олиб келади. Алоҳида туркум ва турдаги суд экспертизалирига оид методикалар бўйича ягона стандартларнинг мавжуд эмаслиги эса бу турдаги тадқиқотларнинг методик таъминоти даражаси пастлигини кўрсатади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, суд экспертилк амалиётида ягона умумий экспертиза методикаларини жорий этиш ва қўллаш – суд экспертизалини ўтказиш самарадорлигига сезиларли таъсир қиласи ҳамда судда жиноят ва бошқа ишларни кўриб чиқишида далил воситаси сифатида унинг ваколатларини кенгайтиради, деб хулоса қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2010-йил 1-июндаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни, 26-модда. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. – 22-сон. – 173-м. (Article 26 of the Law of the Republic of Uzbekistan dated June 1, 2010 “On forensic examination”. / Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, 2010. – Issue 22. – 173-m.).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 17-январдаги “Суд экспертилк фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2145-сон Қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19-январь 2019. 07/19/4125/2510-сон. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 17, 2019 No. PP-2145 “On measures to further improve forensic science” / National Database of Legislation, January 19, 2019. No. 07/19/4125/2510.);

3. Майлис Н.П., Моисеева Т.Ф. Стандартизация судебно-экспертной деятельности – необходимый аспект ее развития. // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2018. – С. 219–224. (Mailis N.P., Moiseeva T.F. Standardization of forensic expertise is a necessary aspect of its development. // Legal science and practice: Bulletin of the Nizhny Novgorod Academy of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2018. – PP. 219–224).